

**ФАН, ТАЪЛИМ
ВА АМАЛИЁТ
МАЖМУАСИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ**

*Жиззах давлат педагогикаси институти
профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли
талабаларининг илмий мақолалари
тўплами. 10-чиқиш*

ТОШКЕНТ

Хасанова Н., талабалар Ачилова М., Мустафоева М.

БАКАЛАВРЛАРНИ ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚАСИ БЎЙИЧА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Миллий маънавиятнинг равнақи ва умуминсоний маънавият даражасига кўтарилишининг энг муҳим омилларидан бири жамиятда яшовчи кишиларнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгида миллий-маънавий кадриятларимиз тимсоли бўлган тилимиз, тарихимиз, кўҳна тарихий ёдгорликлар, маданият, санъат, урф-одат ва маросимларга тўғри муносабат, уларни қадрлаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш учун интилиб яшаш ҳиссини тарбиялаш, бойитиш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Шу жиҳатдан халқимизнинг миллий-маънавий кадриятлари тизимида муҳим ўрин тутувчи ўзбек мумтоз мусиқа санъатини ёш авлод маънавиятига синдириш, таълимнинг барча бўғинларида, шу жумладан педагогика олий ўқув юртининг мусиқий таълим ихтисослиги бўйича таълим олувчи бўлгуси мусиқа ўқитувчиларининг мукаммал билим, тушунча ва амалий ижрочилик малакаларини эгаллашларига эришиш таълим-тарбия олдига қўйлаётган ижтимоий-педагогик талабларни бажариш борасида муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳамма даврларда ҳам мусиқа санъати кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ўзида халқ руҳияти, орзу-интилишлари, ҳаётий қарашлари, ҳиссий кечинмаларини бадиий ифода этиши билан юксак ижтимоий-тарбиявийлик касб этиб келган. Президент И.Каримов мусиқа санъатининг инсон ҳаётидаги ўрни ва ролига баҳо берар экан шундай таъкидлайди: «Шарқ мусикаси - Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисmidир. Шарқ мусикасининг жаҳон меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг юксак жозибаси билан дунё маданиятига озука бериб, умумбашарий кадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда» [1].

Мусиқа таълимини миллий асосларда шакллантиришнинг ижтимоий талаби сифатида умумтаълим мактабларининг биринчи синфдан бошлаб ўқув дастурига ўзбек халқ мусиқа меросига мансуб куй - кўшиқлар, халқ мусикасига асосланиб яратилган замонавий жанр ва услубдаги ижод намуналари билан бир қаторда ўзбек мумтоз мусикасига кенг ўрин берилган. Айни пайтда умумтаълим мактаблардаги «Мусиқа маданияти» ўқув машғулотлари жараёнида ўқувчиларни дастур ва дарсликларга қиртилган мумтоз куй-кўшиқлар билан таништириб бориш, керакли билим ва тушунчалар орқали ўқувчиларда

ушбу санъат турига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга қай даражада эришилмоқда деган савол тутилиши табиий. Бу ўринда мумтоз асарларни тинглаш, куйлаш, тахлил қилиш жараёнида уларнинг гоёвий-бадиий мазмунни, бадиий образларини тасаввур қилиш, куй ва кўшиқ магнни ўзаро мутаносиблигини, синхронлик хусусиятини аниқлаш, мукаммал ижод ва нодир истеъод маҳсули бўлган асарни мумтозлик хусусиятини белгилловчи сифатлари ҳамда куй, оҳанг, нола, безак, қочирим каби миллий ижрочиликка хос унсурларни ўқувчилар томонидан тўғри идрок этиш, фаҳмлаш, фарқлаш, баҳолай олиш, куй - кўшиқларни миллий ҷолгулар ижросидаги ўзига хос нафосатини ҳис эта олишлари нуқтаи назардан дарсларни назарий, амалий ва методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил қилиниши кўзда тутилимоқда.

Педагогик кузатув ва таҳлиллар аксарият умумтаълим мактабларида «Мусиқа маданияти» дарслари таълим стандарти талаблари даражасида ўқилмаётганлигини, бу ўринда мусиқа ўқитувчиларининг малакавий тайёрликлари қониқарли даражада эмаслиги, айниқса, ўзбек халқ мусиқа ижодиёти, унинг энг мукаммал ва мураккаб тури бўлган мумтоз мусиқа санъати бўйича етарли билим ва малакага эга эмасликлари асосий муаммо эканлигини кўрсатмоқда.

Зеро, мусиқа дарсларида ўқувчиларга миллий мусиқий мерос, унинг жанрлари, ижро услублари, мумтоз асарларнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари тўғрисидаги назарий ва амалий тушунча, билимларни беришда мусиқа ўқитувчилари асосий субъектлар бўлиб, уларнинг ушбу йўналишдаги касбий малакалари ҳал қилувчи роль ўйнайди ва кузатишган камчиликларни бартараф этилишига эришишни кафолатлайди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мактаб фаолиятига тайёрлашда 1-7-синфдан дастури ва дарсликларининг йил ва ҷорак мазмуллари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган назарий, амалий билим ва тушунчалар, куйлаш, тинглаш учун тавсия этилган асарлар «Анъанавий ва халқ кўшиқчилиги», «Ўзбек мумтоз кўшиқчилиги» фанларини ўқилишида инobatга олинини мақсадга мувофиқ бўлади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини ўзбек халқ мумтоз мусикасидан яхши хабардор, касбий тайёрликка эгалити ўқувчиларда халқ мусиқа мероси, унинг ривожланиши, турлари, маҳаллий ижрочилик услублари, мумтоз мусиқанинг миллий мусиқа маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти, машҳур ижодкорлари ҳақида етарли билимларга эга бўлиши ва уларда миллий мусикамизга барқарор қизиқишни ҳамда мусиқа дарсларини педагогик ва методик жиҳатдан юқори самарадорликка эришишини таъминлайди. Бунинг учун олий педагогик таълим тизимида бир қатор масалаларни ҳал қилиш лозим. Булар:

1. «Педагогика олий ўқув юр்தларининг мусиқий таълим» йўналиши ўқув режасидаги «Анъанавий ва халқ кўшиқчилиги», «Ўзбек мумтоз кўшиқчилиги» фанларига ажратилган ўқув соатлари ҳажмини кўпайтириш ва уларни битта фан таркибида умумлаштириш:

а) мазкур фанларни ўқитиш мазмунида умумтаълим мактаблари 1-7-синф дастури ва дарсликларига киритилган мумтоз куй-қўшиқлар ва назарий маълумотлар кўзда тутилган таълимнинг педагогик ва методик тизimini ишлаб чиқиш;

б) ўзбек халқ ва мумтоз мусиқаси асослари, ижрочилик анъаналари, услублари тўғрисида батафсил маълумотлар жамланган илмий-услубий манбалар билан таъминлаш;

в) ўзбек мумтоз мусиқаси буйича тўлқамлар, асарларнинг нога ёзувлари, мусиқий ёзувлар (фонотека), машхур ижрочилар (хонандалар, хофизлар, чолғучи-созандалар) ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш;

г) тинглаш ва қуйлаш учун намуналарни танлашда синф, гуруҳ, талаба, ўқувчиларнинг имкониятлари, овоз диапазони, мусиқий тайёрликларига кўра асарларни танлашга қўйиладиган педагогик талабларни ишлаб чиқиш;

д) бўлажак мусиқа ўқитувчиларини дарсларни технологик ёндашувлар асосида кизиқарли ташкил этишга йўналтирилган тавсиялар билан қуроллантириш;

е) бўлажак мусиқа ўқитувчиларини ўзбек мумтоз ва мақом йўналишлари буйича турли кўрик-таъновлар, мусиқий-оммавий тадбирларга фаол иштирок этишларига кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

ж) талабаларни умумтаълим мактаблари билан ўзаро ижодий ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш, ўқув ва педагогик амалиётлар жараёнида бажариладиган ишлар мазмунида мумтоз мусиқа билан амалий ишлаш кўникма ва малакаларини егаллашларига эътибор қаратиш;

з) бўлажак мусиқа ўқитувчиларини касбий фаолиятга, яъни бадий ҳаваскорлик ва маданий оммавий тадбирларга эътиборни кучайтириш, мустақил ва ижодий ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг ижобий ечими бўлгуси мусиқа ўқитувчиларини мактаб фаолиятига касбий тайёрлигини тақомиллаштириш билан умумтаълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий-маънавий, мусиқий-эстетик маданиятини шакллантиришни янада юқори даражага кўтаришга ва шу орқали жамиятимизнинг маънавий-маърифий пойдеворини мустаҳкамлаш

борасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда янги уфқлар очади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Тошкент., «Ўзбекистон», 1998, 322-бет.

Turganov Yo., Boltayev A.

TARBIYAVIY-KORREKSION FAOLIYATINI TASHKIL QILISH TEKNOLOGIYASI

Shaxsda u yoki bu fazilatarni shakllantirish va rivojlantirish, ko'p jibadan, uni tarbiyalash jarayonidagi ko'rsatmalarga bog'liq bo'ladi. Bu ko'rsatmalar shaxsni bo'lajak faoliyatga psixologik tomondan tayyorlanib borishini ta'minlaydi. Shuning uchun tarbiyaviy-korreksion faoliyatni shaxsning tarbiyalanish jarayonini boshqarish, unda zarur bo'lgan ijtimoiy va kasbiy fazilatarni shakllantirish va rivojlantirish deb ham qarash mumkin.

Ma'lumki, pedagogikada shaxsning alohida olingan fazilatini rivojlantirish nihoyatda katta muammo hisoblanadi. Shu sababli, masalan, tarbiyaviy korreksiya jarayonida o'quvchidagi «jur'atsizlik» sifatini kamaytirish yoki «ijtimoiy faollik» fazilatini rivojlantirish maqsad qilib qo'yilgan bo'lsa, korreksion faoliyat jarayonida yaxlit shaxs sifatlarini tizimi bilan, uning xarakteridagi barcha kuchli va kuchsiz tomonlarini hisobga olgan holda ishlashga to'g'ri keladi. Bunda pedagogik ta'sir vositalarini tanlashda ham o'quvchi shaxsining individual va o'ziga xos jihatlarni hisobga olish lozim.

Bundan tarbiyaviy korreksiyaning navbatdagi asosiy tamoyili — «pedagogik tadbirlarning o'quvchidagi shaxsiy, axloqiy va kasbiy fazilatlarini, hayotiy tajribasini hamda korreksiya qilinishi rejalashtirilgan sifat-larga nisbatan undagi munosabatni hisobga olgan holda individuallashtirish» tamoyili yuzaga keladi. Tarbiyaviy korreksion tadbirlar esa bosqichma-bosqich, maqsadga yo'naltirilgan, ketma-ket va tizimli ravishda uyushtirilishi zarur bo'ladi.

Pedagogning tarbiyaviy korreksion faoliyatini tashkil qilish, tarbiyaviy korreksion faoliyatga tizimli yondashadigan bo'lsak, u bir necha fazadan iborat bo'lib, korreksion tadbirlarni boshlashga tayyorgarlik ko'rish fazasi, bevosita korreksiya fazasi hamda korreksiya ishlarini yakunlash fazasini o'z ichiga oladi. Ushbu fazalarning barchasi o'zaro bog'liq bo'lgan va mantiqiy ketma-ket joylashgan tarkibiy qismlardan iborat bo'ladi.

31	Солиязарова М., Мустанов У. Ёшларни миллий мафкурамизга ёт гоълар, зарарли оқимлар таъсиридан асрайлик.....	118
32	Yuldashev Sh.E., Rustamova F. Boshlang'ich ta'limda vatangarvharik tuyg'ularini shakllantirishning mazmuni.....	120
33	Yuldashev Sh.E., talaba Minguasharova L. Past o'zlashtiruvchi o'quvchilar ta'limini tashkil etishning pedagogik-psixologik jihatlari.....	125
34	Хайдаров Д.Ш., Кулбоева Д., Куттибекова Г., Абдуллаева Д. Учинчи синф меҳнат таълими дарсларида апликация мавзуси орқали ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиш.....	129
35	Хайдаров Д.Ш., Кулбоева Д. Бошлангич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларни мустақил ишлашини ташкил қилиш йўллари.....	133
36	Санакулова З., Мунарлова Р. Булажак бошлангич таълим мутахассисида бунёдкорлик маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари.....	136
37	Ўролов А.А., Турганов Ё.И. Болаларни эстетик тарбиялашда уйин ва байрамларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	140
38	Alibekov D., Abdullayev X. Ta'lim jarayonida interfaol metodlarni qo'llash va samaradorligini oshirish omillari.....	143
39	Алибеков Д., Фарсахонова Д. Таълимий кадриятлар асосида таълим сифатини ошириш технологияси.....	148
40	Fargaxonova D.R., Eshqurvatova U. O'quvchilar nutqini o'stirishda interfaol metodlardan foydalanish haqida.....	151
41	Ражабов О., Азизов О. Бош миё ярим шарининг асимметрияси ва ситналликнинг ўзаро муносабати.....	154
42	Rasulov B.O., Eshmurodov O.E., magistr Rasulova D.R. O'quvchilar ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirishning pedagogik asoslari.....	157
43	Фарсахонова Д.Р., Мухаммадиева С.В. Шарк мутафаккирларининг педагогик қарашларида ахлоқий тарбия масаласи.....	161
44	Fargaxonova D.R., Sa'dullayeva G. Ta'lim jarayonida hadislarning tarbiyaviy ahamiyati.....	166
45	Камолова Ш., Мунарлова Р., Кушмонов С. Ёшлар дунёқарашининг шаклланишида Амир Темур ўғилларининг ахамияти.....	168

46	Камолова Ш., Келдиярова Г., Шакарбоева Ш., М.Яхшиева Ибн Сино таълимотида ёшларни кенг илмий дунёқарашли ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш гоъси.....	172
47	Siddiqova S., Isroilova F. O'quvchilarda huquqni anglash ko'nikmalarini shakllantirish funktsiyalari.....	179
48	Абдукаримов Н., Куттибекова Г. Уқитувчининг инновацион фаолияти.....	148
49	Шукурова Х., талаба Худоерова С. Фаровонлик — хаёт кўрки.....	187
50	Pardayeva K., Muhammadiyeva S., O'ralova O. O'qituvchining mulqot madaniyati va uning o'quvchi ma'naviyatini shakllantirishdagi o'rni.....	196
51	Pardayeva K., Muhammadiyeva S., O'ralova O. Ta'lim jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash.....	198
52	Muhammadiyev P. Milliy g'oya fani o'qitishning hozirgi kundagi zaruriyati.....	200
53	Muhammadiyev P. Milliy istiqol mafkurasi ning pedagogik asosi.....	205
54	Шакарбоева Ш. Бошлангич таълимни такомиллаштириш зарурияти.....	208
55	Назаров Х.Э. Мусликий тарбия.....	211
56	Isoqulov M.R., Turganov Yo.I. Boshlang'ich sinf o'quvchilari faoliyatida sog'lom turmush tarzi madaniyatini shakllantirish.....	212
57	Назаров Х.Э., Бахромова С., Исроилова Ф. Миллий мусликамизни ўзига хос безаклари орқали ўргатиш.....	215
58	Rahmatova F., Sariyeva N. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda axloqiy fazilatlarini shakllantirish metodikasi.....	217
59	Назаров Х.Н., Бахромова С., Исроилова Ф. Ёшлар тарбиясида илм олин одоби.....	221
60	Doniyorov M. Maktabgacha psixologik tayyorgarlik — bola shaxsi rivojlanishining asosi.....	224
61	Atamurodova Z., Isoqova G. A. Bola boshidan.....	228
62	Ergasheva S., Isoqova G.A. Burch — axloqning asosiy mezonini.....	230
63	Isoqova G.A. Modulli ta'lim orqali o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish.....	236
64	Sodiqov H.M., Sodiqova D.R. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarni tarbiyalashda oila, maktab hamkorligi.....	240
65	Хасанова Н., талабалар Аччлова М., Мустафоева М. Бакаларларни ўзбек муамтоз мусликаси буйича касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари.....	244